45
3 0 ДЕК 1982
Гос. книжная палата УзССР

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 293 (4988).
28 ДЕКАБРЬ 1982 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 йил

ЮБИЛЕЙ ЙИЛИГА— ЗАРБДОР ЯКУН

Тошкент тажриба пилланашлик фабрикасида Урта Осиё республикалари селекционерлари яратган пилланинг янги-янги намуналари қабул қилинмоқда. Ана шу намуналар бу ерда обдон синовдан ўтказилиб, кенг миқёсда ишлаб чиқаришга жорий этилади.

Корхонада юзлаб ўз ишининг усталари меҳнат қилади. Ф. Маҳкамова ва Ф. Неъматовалар ана шундай илғор ишчилардан саналади. Улар шахсий план-топшириқларни ортиғи билан бажариб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишмоқда.

СУРАТДА: (чапдан-ўngга) меҳнат пешқадамлари Ф. Маҳкамова ва Ф. Неъматова.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ишлаб чиқариш топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажариш ишига катта ҳисса қўшганликлари, ижтимоий ҳаётда актив қатнашганликлари учун ва Тошкент қоғоз фабрикаси асосланган кунга 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларига мувофиқ фабрика директори Насриддин Ахролович **Сайдивалиев,** қоғоз ясаш машинасининг машинисти Аркадий Васильевич **Суханов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»;** план-экономика бўлимининг бошлиғи ўртоқ Раиса Родионовна **Захарченкога «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист»** фахрий унвонлари берилди.

Тошкент қоғоз фабрикаси ходимларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТХОНЛАР ИЛТИМОСИГА БИНОАН

ИГОРЬ КОСТОЛЕВСКИЙ, В. МАЯКОВСКИЙ НОМИДАГИ МОСКВА ДРАМА ТЕАТРИНИНГ ЕТАКЧИ АРТИСТЛАРИДАН БИРИДИР. ТОМОШАБИНЛАР У ИШТИРОК ЭТГАН ФИЛЬМЛАРНИ ЯХШИ ЭСЛАШАДИ. «МАФТУНКОР БАХТ ЮЛДУЗИ», «ТЕҲРОН—43», «ЎЗ ҲИСОБИДАН ОТПУСКА», «У ҲАҚИДА ҲАММАСИ ШУ...» ВА БОШҚА ҚАТОР ФИЛЬМЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.

БУГУН ИГОРЬ КОСТОЛЕВСКИЙ — «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» МЕҲМОНИ.



Игорь КОСТОЛЕВСКИЙ:

«Ижод—қалб садоси»

—Луначарский номидаги Давлат театр санъати институтини тугатгач, — деб ҳикоя қилади И. Костолевский. — В. Маяковский номидаги театр труппасига таклиф этилдим. А. Салонскийнинг «Узоқ кутилган» спектаклидаги Владик образи профессионал саҳнадаги биринчи йирик ишим бўлди.

Бир неча йил театрда ишлагач, кинога ҳам таклиф қилишди. Дастлаб «Ленфильм» киностудиясида ишланаётган «Врачни чақирганмидингиз?» фильмига таклиф этишди. Аммо бунда муваффақиятсизликка учрадим: бир қатор сабабларга кўра суратга тушиш группасига киритишмади. Ўзимнинг омадсиз актёрлик қисматимдан ранжиб, Москвага қайтдим... Аммо кўп ўтмай яна ўз омадимни синаб кўриш имконияти туғилиб қолди. Таниқли постановкачи режиссёр Владимир Мотиль мени «Мафтункор бахт юлдузи» кинокартинасида суратга тушишга таклиф этди. Унда декабрист Иван Анненков ролини ижро этишим керак эди. Аммо яна тасдиқдан ўтолмадим... Лекин В. Мотиль масъулиятни ўз зиммасига олиб, менга ролни ижро этишни топширди. Барчаси махфий равишда амалга оширилди.

Ҳар кунги суратга тушиш ташвиш ва ҳаяжон билан бошланарди. Чунки ҳар лаҳзада мени тўхтатиб қўйишлари мумкин эди. Энди, орадан кўп йиллар ўтгач, ўша кунларни табассум билан эслайман. Поручик Анненков образи кинодаги дастлабки катта ишим эди.

Ана шу фильмдан кейин мени декабристлар ҳақидаги картиналарга, Анненков сингари роллар ижросига таклиф этиб туришди. Аммо мен бошқа ролларни ҳам кутардим... Орадан бироз вақт ўтгач, Горький номидаги студияда суратга олинган «Баҳорги чақириқ» фильмида иштирок этдим. Бу фильм Совет Армияси жангчиларининг бугунги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

«Теҳрон-43» — ёш актёрнинг сўнгги йирик ишларидан биридир.

Қамдан-кам ҳолларда актёр ва персонаж моҳият жиҳатидан бирбирига мос келади. Бородин образида эса ана шу ҳолни очиқ сезиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу роль ижрочининггина эмас, бутун фильмнинг муваффақиятини ҳам таъминлаган. Актёрнинг ўзи эътироф этишича, «Теҳрон-43» фильмида ўйнаш унга катта завқ-шавқ бахш этган.

Жасур разведкачи, Ватаннинг содиқ ўғлони самимияти, туйғуларининг софлиги, соддалиги экранда шунчалик аниқ намоён бўладики, узоқ вақт актёр маҳорати таъсири остида қоламиз. Костолевский яратган образ жуда ҳам ҳаётий ва жозибали.

...Игорь Костолевскийнинг барча қаҳрамонлари саҳнадами ёки экрандами, ҳеч қачон хотиржам яшамайдилар, улар жўшқин, тиниб-тинчимас руҳ эгаларидир. Кўп ҳолларда унинг табассуми ортида маъюслик ҳис этилади, ғамгин сўзлари ортидан эса нурли табассум пайдо бўлади. Одатда актёрга кучли, мураккаб характер топширилганда, у чиндан ҳам ролга бор вужуди билан берилади, унга қалбининг бутун ҳарорати ва бойлигини сафарбар этади.

— Ижод — қалб садосидир; — дейди Игорь...

Костолевский театр ва кинодаги фаолияти давомида кўплаб роллар ижро этди. У ўз ишларини баҳолашда ниҳоятда талабчан. «Ҳали кўп нарсаларнинг уддасидан чиқолганим йўқ», — дейди. Бундай танқидий назар ҳар бир саҳнага, суратга тушиш майдонига чиқишда зиммасига катта масъулият юклайди, янги йўллар қидиришга ундайди. Худди ана шундай изланишларда артистнинг ўзига хослиги намоён бўлади.

Яқинда И. Костолевский «Ҳеч ким ўрнингни босолмайди» деб номланган янги телевизион фильмда суратга тушди. Шундан кейин кўп ўтмай Тошкентга келди.

— Шаҳрингиз эртакдагидек гўзал ва ажойиб, — дейди И. Костолевский ва анъана бўйича ўз дастхатини туҳфа этади.

Дорогие узбеки. Был рад приехать в Вашу Солнечную замечательную страну и встретиться с Вами.
С уважением
Лауреат Премии Ленинского Комсомола
Игорь Костолевский

Суҳбатни Р. НУЪМОНОВ ёзиб олди.

● Қизил байроқли коллективларда

ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Санитария-техника жиҳозлари заводининг коллективи КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, беш йилликнинг иккинчи йилида меҳнат унумдорлигини ошириш, тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича социалистик мусобақада актив иштирок этди. Йил давомида корхона бир маромда ишлади, топшириқларни ошириб бажаришга эришди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақа якунига кўра корхона коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини олишга муяссар бўлди.

Заводда ана шу шонли санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини завод коллективига махсус қурилиш-монтаж ишлари министрининг ўринбосари У. А. Қосимов топширди.

* * *

Тошкентдаги 1-ёғочни қайта ишлаш заводи коллективи СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигини зарбдор меҳнат билан кутиб олмоқда. Шу туфайли корхона коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланди.

— Бу йил меҳнат унумдорлигини ошириш планини 104,2 процент бажардик, планданташқари 200 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик,— дейди завод директори Г. Я. Шур.— Бошқа техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам муддатидан илгари бажарилди. Юксак мукофотдан илҳомланган коллективимиз ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки икки йили планини муддатидан илгари адо этиш, пландан ташқари 370 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мажбуриятини олди.

* * *

Ўзбекистон ССР Театр жамияти ишлаб чиқариш комбинатининг коллективи катта ҳажмдаги ишларни бажаради. Спектаклларни саҳналаштириш ва концертлар учун зарур бўлган кийим-кечаклар, пойафзаллар, зебзийнатлар, саҳна безаклари ва бошқа буюмлар ана шу ерда тайёрланади.

* * *

Комбинат буюртмачилари доираси жуда кенг. Фақат Тошкентнинг эмас, республикамиз барча областларининг, мамлакатимиз бошқа шаҳарларининг театрлари, маданият саройлари ва уйлари, бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари уларнинг хизматидан фойдаланадилар.

Комбинат коллективи социалистик мусобақа якунларига кўра Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Байроқни коллективга Ўзбекистон ССР Театр жамиятининг раиси, СССР халқ артисти С. Эшонтўраева топширди.

Ҳамшаҳарларимиз учун

Уралдаги Уст-Катав заводининг ишчилари шаҳримиздаги «Красновосточная» депоси ихтиёрига 6 та «КТМ — 5» маркали юмшоқ ўринли вагон юбордилар. Йўловчиларга қулай бўлган бундай тез юрар трамвайларнинг миқдори эндиликда 160 тага етди. Йил охиригача яна 10 та вагон олиш мўлжалланяпти. Тошкент шаҳрининг 2000 йиллигига қадар замонавий типдаги, комфортабелли трамвайларнинг миқдори 200 тадан ортади.

Янги олинган вагонлар 13, 28-маршрутларда аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Меҳнатга шон-шарафлар!

МОСКВАЛИКЛАРНИНГ МУҲИМ ТАШАББУСИ

Москва халқ хўжалиги барча тармоқларининг илғор коллективлари меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, хўжасизликка, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузиш ҳолларига қарши курашни кучайтириш тўғрисида мажбурият қабул қилдилар. Улар: «Меҳнатга шон-шарафлар!» шиори остида ишлашга қарор бердилар. Бу ташаббусни москваликлар кенг қўллаб-қувватладилар. Бу ташаббус барча резервлардан фойдаланиш, ўзаро талабчанликни ошириш, ишлаб чиқаришда намунали тартибни ўрнатиш асосида юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришишни кўзда тутади.

Ташаббускор коллективлар вакилларининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишларида меҳнат ва жамоат интизомининг ҳар бир бузилишига нисбатан ҳамма жойда чидаб бўлмайдиган вазиятни вужудга келтириш, ишга келмаслик, кечикиб келиш, ишлаб чиқаришдан ўзбошимчалик билан кетиб қолиш ҳолларини фавқулодда ҳодиса деб ҳисоблаш зарурлиги таъкидланди. Коллективлардаги интизомнинг ҳолатини социалистик мусобақанинг энг асосий кўрсаткичларидан бири деб билиш таклиф қилинди.

Пойтахтда юзага келган меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги кенг ҳаракат ташаббускорларининг тажрибаси ҳар бир корхонада, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги ва сифатини анча ошириш имконини беради. Белгиланган юксак кўрсаткичларга ҳеч қандай қўшимча моддий чиқим ва бошқа харажатларсиз эришиш режаси тузилаётганлиги муҳимдир. Москваликлар бошлаган ҳаракатнинг зўр иқтисодий ва тарбиявий нафи мана шундан иборат.

Партия ва жамоат ташкилотлари тушган таклифларни кўриб чиқиб, коллективлар қабул этган мажбуриятларни кенг миқёсдаги ташкилотчилик ва сиёсий иш билан мустаҳкамламоқдалар. Ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, социал вазифаларни ҳал этиш, одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, коллективларда яхши микроиқлимни вужудга келтириш юзасидан комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

Коллективларда микроиқлимни яхшилашга доир тадбирлар системасида ичкиликбозликка ва алкоголизмга қарши аниқ мақсадни кўзлаб актив курашиш алоҳида ўрин олади. Ичкиликбозлик меҳнат коллективини кемирадиган энг ёвуз душман эканлиги таъкидланди. Москваликлар спиртли ичимликларни суиистеъмол қиладиган инсонлик шаънидан ва ишчи обрўсидан маҳрум бўлган кишиларга нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтиришга чақирдилар.

Ташаббускор коллективлар барча москваликларни онгли интизом ва қатъий тартибни таъминлашга, меҳнатни пухта ташкил этишни моддий ишлаб чиқариш соҳасидагина эмас, шу билан бирга фан, бошқарув, аҳолига хизмат қилиш, шаҳар хўжалиги муассасаларида, шунингдек меҳнаткашларнинг истиқомат жойларида ҳам ҳар кунги нормага айлантиришга даъват қилдилар.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш йўлидаги ҳаракатни авж олдириб юборган пойтахт илғор коллективларининг ташаббуси — москваликлар сиёсий етуклигининг, юксак активлигининг, КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга оширишга, партиянинг халқ бахт-саодати тўғрисидаги ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб беришга ватанпарварларча интилаётганликларининг ёрқин далилидир.

(ТАСС).

Олимлар ўз вазифаларини белгилаб олмоқдалар

КЕЧА

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтида СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган назарий ижтимоий-сиёсий ўқишлар бўлиб ўтди. Институт ходимлари ва қишлоқ хўжалик экономистлари учун ижтимоий-сиёсий ўқишни Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институтининг директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган экономист, иқтисод фанлари доктори, профессор С. Н. Усмонов очди.

ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими президиуми раисининг ўринбосари А. С. Цамутали, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосарлари Ф. Қ. Қаюмов, К. А. Ҳасанжонов ва бошқа етакчи олимлар агро-саноат комплексининг ва СССР Озиқ-овқат программасининг энг актуал назарий ва методологик проблемалари бўйича сўзга чиқдилар.

«Илмий-техника тараққиёти тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот», «Хўжалик механизми ва ҳозирги босқичда унинг такомиллаштирилиши», «Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги жиддий тафовутларни бартараф этишда КПСС аграр сиёсатининг роли» ва бошқа бир қатор мавзулардаги суҳбатлар қизиқарли, чуқур асосланган тарзда ўтди. Тингловчилар меҳнатни ва қишлоқ хўжалигини бошқаришни оқилона ташкил этишнинг замонавий, илмий проблемалари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва жойлаштиришни прогнозлаштириш методологияси ва методикаси, илмий-техника тараққиётини жадаллаштиришда социалистик мусобақанинг роли тўғрисидаги суҳбатларни тингладилар. Бу масалалар юзасидан тажрибали мутахассислар, иқтисод фанлари докторлари ва кандидатлари сўзга чиқдилар.

Олимлар КПСС аграр сиёсатини Ўрта Осиё иқтисодий регионига тадбиқан амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқдилар.

Ижтимоий-сиёсий ўқишлар аграр-иқтисодий тадқиқотларни чуқурлаштиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга, шунингдек илмий ишларни ишлаб чиқаришга жорий этишни жадаллаштиришга ёрдам бермоқда.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Маълумки, Москва халқ хўжалиги барча тармоқларининг илғор коллективлари хўжасизликка қарши, ишлаб чиқариш ва давлат интизомини бузишларга қарши курашни кучайтиришга, меҳнатни ташкил этишни яхшилашга қаратилган мажбуриятларни қабул қилдилар. Улар «Шараф ва шуҳрат ҳам меҳнатга ярашар!» шиори остида ишлашга қарор бердилар.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг 27 декабрь куни бўлиб ўтган йиғилишида москвaликларнинг ташаббуси муҳокама қилинди. Йиғилиш қатнашчилари республика машинасозлиги байроқдори мамлакат олдидаги ўз бурчини шараф билан бажаради, КПСС XXVI съезди қарорларини адо этиш учун социалистик мусобақада ўрнак кўрсатади, деб ваъда бердилар.

● Шу кунларда таниқли маданият арбоби, ўзбек совет адабиётининг оқсоқоли Ғайратий ҳаёт бўлганида саксон ёшга тўлган бўлур эди. 27 декабрь куни Ўзбекистон Ёзувчилар союзида Ўзбекистон ССР халқ шоири Ғайратий хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

ВОЛЕЙБОЛ

ЎХШАШ БЎЛМАГАН УЧРАШУВЛАР

Волейбол бўйича олий лига командалари 45-чемпионати биринчи тур мусобақаларининг иккинчи куни мамлакатимизнинг бир неча бор чемпиони москвалик армиячилар ва Одессанинг «Политехник» командалари учрашуви билан бошланди. Одессаликлар кейинги учрашувга куч асраш мақсадида бўлса керак, жиддий қаршилик кўрсатишмади ва учрашув 3:1 ҳисобида армиячилар фойдасига ҳал бўлди.

Харьковнинг «Локомотив» ва Москва областининг «Динамо» волейболчилари майдонда кучларини аямай ҳаракат қилишди. Бу учрашув ҳам 3:1 ҳисобида динамочилар фойдасига ҳал бўлса-да, ҳар бир партия жуда кескин ва муросасиз курашлар остида ўтди.

Тошкентнинг «Динамо» ва Олмаотанинг «Дорожник» командалари учрашуви тошкентликларнинг устунлигида бошланди. Улар айниқса тўпни ўйинга туширишда рақибларини шошириб қўйишди. —15:12.

Кейинги икки партияда командамизни таниб бўлмай қолди. У дастлаб 4:15, кейин 8:15 ҳисобида партияларни бой берди. Тўпни аниқ қабул қилишда, ҳужумда, блокда ва комбинацияларни ташкил этишда динамочилар олий лига командаларига хос бўлмаган хатоликларга йўл қўя бошладилар. Шунинг учун бўлса керак, учрашувнинг тўртинчи партиясидан бошлаб командамиз бир диспетчер билан ҳаракат қила бошлади. Иккинчи диспетчер А. Шошин ўрнига ҳужумчи С. Банов тушди. Бу ўз самарасини берди. С. Банов ва В. Заритовскийлар ҳужумда жуда муваффақиятли ҳаракат қилишди ва партия 15:4 ҳисобида волейболчиларимиз фойдасига ҳал бўлди. Муваффақиятдан руҳланган вакилларимиз бешинчи партияда ҳам жуда йиғинчоқлик билан ҳаракат қилиб 15:8 ҳисобида партияда ва учрашувда ғалабага эришдилар.

Учинчи кун беллашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди. МАСК — «Дорожник» 3:1, «Динамо» (Москва области) — «Политехник» 3:0, «Динамо», Тошкент — «Локомотив» 3:1.

Р. УМАРОВ,
СССР спорт мастерлигига кандидат.

ШАРҲЧИ САТРЛАРИ

ПАРТИЯМИЗ МАҚСАДИ—ТИНЧ ИСТИҚБОЛНИ ТАЪМИНЛАШ!

Улуғ Октябрь революцияси туфайли бунёд этилган жаҳонда биринчи социалистик давлат—Совет ҳокимиятининг дастлабки расмий ҳужжати Сулҳ ҳақидаги декрет бўлди.

Улуғ доҳиймиз В. И. Лениннинг мўътабар имзоси чекилган Сулҳ ҳақидаги декретдан тортиб партиямизнинг XXIV, XXV, XXVI съездлари қабул қилган тарихий тинчлик ҳужжатлари — Совет Тинчлик программаларигача ўтган даврларда социалистик она-Ватанимиз тинчликнинг ишончли посбони, байроқдори бўлиб келди. Бутун планетамиздаги прогрессив инсоният томонидан нишонланаётган СССРнинг 60 йиллиги юбилейи бунинг ёрқин исботи ва далили бўлиб турибди.

Фақат кейинги 35 йил ичида Совет Иттифоқи 100 дан ортиқ тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашни кўзловчи ташаббуслар билан чиқди. Уларнинг энг сўнггиси тантанали равишда эълон қилинган Совет ҳукуматининг биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик ҳақидаги қарори ва олийжаноб қадамлари бўлди. Табиийдирки, ядровий фалокатнинг даф қилинишидан манфаатдор бўлган планетамиз халқлари бу ташаббусни қизғин маъқулладилар.

Маълумки, халқларга тинчликни ҳам, прогрессив тараққиётни ҳам социалистик тузум беради. Қатор мамлакатлар ва халқларнинг социалистик ривожланиш йўлига ўтганлиги ва ўтишга ҳаракат қилаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Улуғ Октябрь инсоният тарихида янги саҳифа, янги давр очиб берди.

Лекин халқлар ҳушёр бўлишлари лозим. Чунки планетамизда уруш ва агрессия кучлари, бутун цивилизацияни ҳалок этмоқчи бўлган қора кучлар ҳам бор. Улар ҳар хил баҳоналар билан ўзларининг қалтис сиёсатларини оқламоқчи бўляптилар. Пентагон фаолияти ва НАТО блокининг яқинда ўтган қишки сессияси бунга мисолдир. Аммо капитал дунёси қайси либосга бурканмасин, халқлар унинг ҳақиқий башарасини яхши биладилар. Капитализм — бу ишсизлик ва инфляция, ҳарбийлаштириш ва иқтисодий танглик, ирқий камситиш ва расизмдир. Бугун планетамизда халқаро вазиятнинг кескинлашиб қолаётганлиги учун ҳам империализм ва унинг агрессив сиёсати бош айбдордир!

Октябрь, социализм — унда инсоният ўзининг бахтли келажагини, тинчлиги ва хавфсизлигини кўрмоқда. Тинчлик — социализм идеалидир. КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати тинчликни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилаверадилар!

«Олтмиш йил мобайнида, — деб айтди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ю. В. Андропов КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлисида қилган докладида, — Совет давлатининг мавқеи тубдан ўзгарди, унинг обрў-эътибори ва нуфузи беқиёс ўсди. Совет Иттифоқи барча қитъалардаги мамлакатлар билан яқиндан тинч ҳамкорлик қилиб келмоқда. Унинг овози халқаро анжуманларда мўътабар янграмоқда. СССР ташқи сиёсатининг асоси — тинч-тотув яшаш принциплари халқаро миқёсда кенг эътироф қилинди, ўнлаб халқаро ҳужжатларга, шу жумладан, Хельсинкидаги Умумевропа Кенгашининг Якунловчи Актига киритилди. СССРнинг таклифлари БМТнинг тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш масалаларига оид энг йирик қарорларига асос қилиб олинди».

Совет Иттифоқи халқлар орзусининг буюк идеали ва тимсоли бўлиб тураверади!

Талъат СОЛИЕВ.

СИФАТ ВА САМАРАДОРЛИК — ШИОРИМИЗ

ҚОЛОҚЛАРСИЗ ИШЛАЯПМИЗ

Цехимизда 500 ишчи меҳнат қилади. Уларнинг деярли ҳаммаси хотин-қизлар. Шу сабабли ҳам бизда ишчилар состави ўзгариб туради. Ҳар йили ўртача 100 дан ортиқ ишчи декрет отпускасига чиқади. Уларнинг ўрнини ўрта мактабларни тамомлаб келган ёш қизлар эгаллашади. Малакали ишчилар кетиб, ўрнига тажрибасиз ишчиларнинг келиши цех кўрсаткичларига таъсир кўрсатмайдими, деб сўрарсиз. Йўқ, ундай бўлмайди. Фабрика маъмурияти, партия, касаба союз ташкилотлари бу масалага катта эътибор беришаяпти. Бизда ёш ишчиларни тарбиялашнинг такомиллашган системаси мавжуд. Бу система шогирд тикувчиларни қисқа муддатда малакали тикувчилар сафига қўшиш, тинмай касб маҳоратини ошириб бориш имконини бермоқда.

Ёш ишчиларни илғорлар сафига қўшишда бизда бу йилдан кенг жорий этилган меҳнатни ташкил этишнинг бригада пудрати методи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўляпти. Бу усул ишчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигини, коллектив меҳнатининг пировард натижаларидан манфаатдорлигини оширди.

Цехимизга кираверишда чиройли стендга коллективимиз юбилей йили учун қабул қилган мажбуриятлар ёзиб қўйилган. Унда жумладан, йиллик планни барвақт бажариш, планга қўшимча 120 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш, 93,6 процент буюмни биринчи сортга топшириш каби вазифалар белгиланган. Бу вазифалар муваффақиятли адо этилаяпти. Йил бошидан бери цехимиз сурункасига мусобақа ғолибидир.

Коллективимиз зарбдор ҳафталикларни муваффақиятли ўтказиб, мамлакатимиз юбилейига муносиб меҳнат туҳфалари тайёрлади.

Ш. САИДВАЛИЕВА,
Тошкент бадиий буюмлар фабрикаси попоп цехи бошлиғи.



Ушбу суратда «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош корхонасининг пешқадам ишчиси, КПСС аъзоси Турғун Шералиевни кўриб турибсиз. Уз касбини пухта эгаллаб олган моҳир ишчи шу кунларда беш йилликнинг учинчи йили ҳисобига маҳсулот топширмоқда.

• Билимлар — оммага

ОЛҚИШГА САЗОВОР

Халқ университетларининг кенг халқ оммасини коммунистик руҳда тарбиялашдаги роли жуда каттадир. Бу борада «Билим» жамияти Киров район ташкилоти ибратли ишларни амалга оширяпти.

Ҳозир район «Билим» жамиятининг 48 та турли соҳаларни ўргатувчи университетлари фаоллик кўрсатмоқда. Районда ўз ишларини яхши изга солиб олган, ўз тингловчиларининг олқишига сазовор бўлаётган университетлар, уларнинг педагоглари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Районда 8 та ерда «Саломатлик» университети ташкил этилган. Булар «Узбексельмаш» маҳалласи ва «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида, 26, 31-поликлиникаларда ва бошқа жойларда яхши иш олиб боряпти.

31-поликлиника қошидаги саломатлик университетини 500 дан ортиқ тингловчи битириб чиқиб, дастлабки медицина ёрдами бериш малакасини эгалладилар. Ҳозир университетда яна 100 киши ўқияпти. Университет дарсларини малакали шифокорлар техника воситалари, кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда олиб бормоқдалар.

70-мактаб қошидаги «Саломатлик» университетига 8-, 9-синф ўқувчилари жалб қилинган бўлиб, унга медицина фанлари кандидати Илёс ака Фозилов ректорлик қилмоқда. Университетни олимлар оталиққа олишган. Бу университетларда турли касалликларга оид мавзуларда жонли машғулотлар олиб бориляпти. Район социал-таъминот бўлими қошида ташкил этилган «Ҳуқуқ» университетида пенсияга чиқиш тартиблари ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказиб борилмоқда. Ўрта таълим милиция мактаби қошидаги «Маданият» университети маданият, эстетика, этика ҳақида суҳбатлар ўтказмоқда.

105-мактабда ташкил этилган «Ватанпарварлик» университетида юқори синф ўқувчиларининг Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан учрашувларини ўтказиш, Улуғ Ватан уруши мавзуида кинофильм ва спектаклларни кўриш, музейларга, совет халқининг революцион, шонли меҳнат ва шон-шуҳрат жойлари бўйлаб экскурсиялар уюштириш, «Зарница» ҳарбий-ватанпарварлик ўйинларида иштирок этишни режалаштирганлар.

Ҳ. Олимжон номли маданият уйи қошидаги «Халқлар дўстлиги» университетида эса қизиқарли кечалар, суҳбатлар уюштирилмоқда. Бу университетга теварак-атрофдаги маҳаллалар аҳли жалб қилинган. Бу ерда иттифоқимиздаги республикалар эришган ютуқлар ҳақида бой материаллар бор.

9-мактаб қошидаги «Педагогика» ва «Ҳуқуқ» университетлари яхши иш олиб бормоқда. «Ҳуқуқ» университети ишига район прокуратураси, ички ишлар бошқармасининг ходимлари яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ёшлар совет қонунчилиги асосларини қизиқиш билан ўрганмоқдалар.

Булардан ташқари район мактабларининг ҳаммасида «Педагогика» университетларида ота-оналарга бола тарбияси ҳақида турли мавзуларда қизиқарли суҳбатлар ўтказиляпти. Университетларнинг лекторларидан В. Афанасьева, М. Ғофурова, Р. Караева, Д. Ҳусанбоева, И. Фозилов, А. Тоҳирийлар билимларини омма ўртасида кенг ёйишда жонкуярлик кўрсатишяпти.

С. СУЛТОНОВ.

БРИГАДА ПУДРАТИГА — КЕНГ ЙЎЛ

ЯНГИ МЕТОД ШАРОФАТИ

Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг янги бригада усули тўқимачилик комбинатида ҳам кенг қулоч ёзган. Ҳозирда бу усул билан меҳнат қилаётганлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Комбинатда бугунги кунда 60 дан зиёд бригада ва 991 ишчи шу метод асосида ишламоқда.

Янги усул илк бор биринчи тўқув фабрикасининг илғор комсомол-ёшлар бригадалари томонидан қўллаб-қувватланганди. Фабрикадаги бошқа коллективлар ҳам ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, янги усул билан ишлашга ўтишди. Шундай бригадалардан бири биринчи участканинг мастер ёрдамчиси Р. Волков бошлиқ бригада коллективи бўлди.

Бригада аъзоларининг кўпчилиги ёшлар — ҳунар билим юртини яқинда тугаллаб келган, ҳали меҳнат маҳорати ва иш тажрибасига эга бўлмаган қизлардан иборат. Бинобарин, бундай шароитда янги метод ҳақида ўйлаш ҳам қийин. Лекин бригада бошлиғи қизлар билан суҳбатлашган пайтда кўп нарсага иқрор бўлди. Янги усул ҳақидаги таклиф бир овоздан маъқулланди. Қизлар бир ой муддатда ўзларини ҳар томонлама синаб кўришга, кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқишга ва коллективда қолоқликка батамом барҳам беришга аҳд қилишди.

Ниҳоят синов муддати ҳам тугади. Шу йилнинг март ойидан бошлаб бригада янги метод асосида ишлай бошлади. Беш кишидан иборат бригада совети ҳар ҳафтада ҳар бир ишчининг МИК—меҳнатдаги иштирок коэффицентини ҳисоблаб чиқадиган ва ой охирида якун ясайдиган бўлди. Бригада 19 кишидан ташкил топди. Биринчи меҳнат кунлариданоқ бригадада меҳнат интизоми сезиларли равишда ўзгарди. Ҳар бир ишчи ўз вазифасига жиддий ва масъулиятни ҳис этган ҳолда ёндошадиган, смена мобайнида брак маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўймайдиган, ёрдам зарур бўлганда коллектив иши учун сидқидилдан меҳнат қиладиган бўлди. Шунингдек, бригадада ишга кечикиб келиш, прогул қилиш каби ҳолларга бутунлай чек қўйилди.

Янги усулнинг яна бир афзаллиги — ишчиларнинг иш ҳақи ҳам анча ошди. Масалан, илгари бир тўқувчининг иш ҳақи ўртача 170—180 сўмни ташкил этган бўлса, эндиликда бу 200—220 сўмни ташкил этади.

Қизлар ойлик план-топшириқларни ҳозирда 105—107 процентдан камайтирмасликка ҳаракат қилишмоқда. Маҳсулот сифати ҳам ҳамиша юқори. Участкага АТ —100 — 5М маркали янги тўқув дастгоҳлари ўрнатилган. Бригада қарамоғида 288 дастгоҳ бор. Ҳар бир тўқувчининг дастгоҳларга хизмат кўрсатиш зонаси 24 та, улар эса 36 тадан дастгоҳ бошқаришади.

Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги шарафига бригадир Р. Волков ва мастер ёрдамчиси А. Юмангуловлар йиллик планларини бажарганликлари ҳақида меҳнат рапорти беришганди. Ҳозирда улар 1983 йилнинг апрель ойи ҳисобига ишлашмоқда.

З. ДЎСМУҲАМЕДОВА.

КПСС аъзоси Ш. Мирзаев «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмаси асбобсозлик цехининг тажрибали ишчиларидан саналади. У ўзига топширилган план-топшириқларни ҳамиша ошириб бажариш билан коллектив ўртасида ибрат бўлмоқда.

СУРАТДА: Ш. Мирзаев.

В. Сироткин фотолари.

РЕСПУБЛИКА БЎЙЛАБ

Жарқўрғонда ип йигириш-тўқиш фабрикаси қурила бошлади. Корхонанинг 34 минг урчуқли йигирув цехи, маъмурий-маиший корпус, ошхонадан иборат биринчи навбатини келаси йил ишга тушириш мўлжалланади. Фабрика 1984 йилда тамомила қуриб битказилади. Шу вақтгача тўқимачилар шаҳарчасида дастлабки объектлар ҳам пайдо бўлади. Бу ерда уй-жойлар, мактаб, болалар боғчасини қуриш мўлжалланмоқда.

* * *

Наманган умумий овқатланиш трестида янги ва музлатилган балиқ тозалайдиган цех ишлай бошлади. Эндиликда шаҳар ошхоналари ва кафеларига ҳар куни 600 килограмм балиқ ярим фабрикатлари келтирилиб туради. Бу эса ошпазларнинг ишини енгиллаштириб, овқат хилини кўпайтиришга имкон беради. Яқин фурсатда Наманган марказида 150 ўринли ошхона ишга тушади. Унинг меньюсида фақат балиқдан тайёрланган таомлар бўлади.

(ЎзТАГ).

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИНДИ

ПРАГА. ЧССРнинг хмель етиштирадиган хўжаликлари йиғиштириб олинган хмель ҳосилини давлатга топширишни тугалладилар. Бу йил бу ўсимликдан ғоят мўл ҳосил олинди. Омборларга 12,5 минг тонна қимматли қишлоқ хўжалик маҳсулоти етказиб берилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамай, юқори сифатли хмель етиштиришга эришдилар. Йиғиштириб олинган ҳосилнинг учдан икки қисмидан кўпроғи энг юқори навга топширилди. Бу — агротехника муддатларига қатъий риоя қилиш ва ишларни юксак даражада механизациялаш натижасидир. Майдоннинг 97 процентидан хмель мукаммал машина-механизмлар ёрдамида ўриб олинди. 600 та комбайндан ташқари далаларда автоматлаштирилган махсус линиялар ишлади, бу линиялар бир неча юз кишининг қўл меҳнати ўрнини босди.

Хмель — Чехословакия экспортининг муҳим тармоғидир. Бу йил ҳосилнинг 70 проценти жаҳондаги 65 мамлакатга жўнатилади. Анъанага кўра хмелнинг энг кўп қисми Совет Иттифоқи учун мўлжаллангандир.

ИРРИГАТОРЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ. Бу йил Вьетнам Социалистик Республикасининг ирригаторлари катта муваффақиятларга эришдилар. Мамлакатда суғориладиган ер майдонлари ҳозиргача 3,9 миллион гектарга етди. Бу эса ўтган йилдагидан 30 минг гектар кўпдир. Вьетнам шаҳар ва қишлоқлари меҳнаткашлари ВКП V съезди қарорларини бажара бориб мамлакатнинг турли районларида қисқа муддатда юзлаб километр узунликда суғориш каналлари қурдилар, дамбалар ва тўғонлар барпо этдилар.

Республиканинг шимолий вилоятлари ирригаторлари айниқса зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Уларнинг куч-ғайрати билан шимолдаги баъзи районларда шоли ҳосилдорлиги гектар бошига 32 центнерга етди.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

ПРАГА. Чехословакиянинг Готвальдов шаҳридаги резина ва техника буюмлари ишлаб чиқарадиган бирлашма коллективи Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларга маҳсулот етказиб бериш йиллик планини муддатдан илгари бажарди. Социалистик мамлакатларга қарийб бир миллиард кроналик автопокришкалар, пластмасса қувурлар, бинокорлик материалларининг катта туркумлари жўнатилди.

Совет Иттифоқи — Чехословакиядаги ана шу корхонанинг энг катта буюртмачисидир. Бирлашма маркаси қўйилган шиналар Челябинск, Ленинград, Минск ва СССРдаги бошқа шаҳарлар тракторсозлари ва автомобилсозларига ғоят манзур бўлмоқда. Транспортерлар учун денталар, узатма қайишлар, ҳар хил линолеумлар ҳам ғоят харидоргир бўлмоқда.

* * *

ГАВАНА. Республиканинг асосий савдо дарвозаси бўлган Гавана портининг причалларида лебедкалар, автопогрузчиклар ва электрокарлар кечаю-кундуз ишлаб турибди.

Пойтахт портчилари Куба докерлари ўртасида кенг авж олдирилган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқдалар. Гавана портининг коллективи учинчи кварталнинг ўзидагина 954 минг тонна юк ортиб ва тушириб, план топшириғини 120 минг тоннадан зиёд ошириб адо этди. Юк ортиш ва тушириш ишларини планлаштириш ва ташкил этишнинг илмий жиҳатдан асосланган системаси жорий этилганлиги натижасида меҳнат унумдорлиги анча ошди, кемаларнинг бекор туриб қолиши ва ҳар бир тонна юкни ортиш ва тушириш учун бўладиган ишлаб чиқариш харажатлари кескин равишда қисқарди.

* * *

РИМ. Италиянинг Сицилиядаги Карбония шаҳри меҳнаткашлари ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун «кураш куни»ни ўтказдилар. Шаҳардаги саноат корхоналари, давлат муассасалари умумий забастовка билан қамраб олинди, мактаблар ва магазинлар ишламади, шаҳар аҳолиси ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига қарши оммавий норозилик намойишида қатнашиш учун кўчаларга чиқди. Ҳукуматнинг бу сиёсати ишсизларнинг кўпайишига ва саноат корхоналарининг таназзулига олиб келади.

Демократик касаба союзларнинг намояндалари бўлиб ўтган митингда сўзга чиқиб, кўмир шахталарида айниқса оғир аҳвол вужудга келганлигини уқтириб ўтдилар. Шахталарнинг кўпи ёпилган. Нотиқлар меҳнаткашларни иш билан таъминлашни ҳимоя қилиш соҳасидаги актив курашни давом эттириш зарурлигини кўрсатиб ўтдилар.

* * *

КАРАКАС. Венесуэлада забастовка ҳаракати тобора кучаймоқда. Транспортчиларнинг забастовкаси сабабли Карабобо штатининг маъмурий маркази бўлган Валенсия шаҳрида ҳаёт издан чиқиб қолди. Венесуэла пойтахтида ишчилардан бир мингдан кўпроқ киши Американинг автопокришкалар ишлаб чиқарадиган «Дженерал» фабрикаси цехлари ва ишлаб чиқариш биноларини ўз қўлларига олдилар. Бу фабриканинг хўжайинлари иқтисодий қийинчиликларни важ қилиб, кўплаб кишиларни ишдан бўшатдилар. Транспорт ва алоқа министрлиги ишчи ва хизматчилардан 55 минг киши забастовка эълон қилиш ниятида эканлигини маълум қилди.

Мамлакатнинг марказий университети хизматчилари ва ўқитувчилари ҳам иш ташладилар. Анд университетининг ва Сулия штатидаги университетнинг профессор-ўқитувчилар состави ва хизматчилари иш ташлаган ўқитувчилар билан бирдамлик юзасидан забастовка эълон қилдилар.

Самарали ҳамкорлик

СОФИЯ. Шу беш йилликда Болгария Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши йўли билан қилинаётган ҳамкорлик доирасида 200 дан кўпроқ илмий-техникавий проблемаларни ҳал этишда қатнашмоқда. Бу проблемаларнинг кўпчилиги электроника, роботсозлик, энергетика, металлургияни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, металларни коррозиядан ҳимоя қилиш соҳасидаги лойиҳаларга тааллуқлидир.

БХР олимлари ва мутахассисларининг Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашидаги ҳамкасблари билан ҳамкорлиги салмоқли натижалар бермоқда. Биргаликда қилинган ишлар натижасида металл қирқиш станокларнинг тури кўпайди. Болгария Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида ана шундай станокларни ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Металлни плазма ёрдамида пайвандлаш ва қирқиш учун аппаратлар, янги саноат катализаторлари ва коррозияга қарши ишлатиладиган қопламалар вужудга келтирилди.

БЕРЛИН. Гера округининг Заальфелдаги завод машинасозлари 1982 йилда Совет Иттифоқига экспорт маҳсулотлари етказиб бериш планини муддатидан барвақт бажардилар. Яқинда корхона коллективи автомобиль деталларини ишлаш учун мўлжалланган иккита станокни тайёрлаб, совет буюртмачиларига жўнатди.

Дрездендаги «Микромат» машинасозлик корхонасининг меҳнатчилари ҳам мана шундай муваффақиятга эришдилар. Улар Совет нефтчиларига бурғилаш ишлари учун мўлжалланган машина-ускуналари етказиб бермоқда.

Ҳар икки корхонанинг иши ишлаб чиқариш жараёнининг аниқ-пухта ташкил этилганлиги, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги барча топшириқларнинг муддатида бажарилаётганлиги билан ажралиб туради. Бу заводларда машиналарнинг янги типлари, шу жумладан электрон бошқариш системаларк билан таъминланган станоклар яратилмоқда.



Америка Қўшма Штатларида меҳнаткашларнинг ўз ҳаётий манфаатлари учун кураши тобора кенгайиб бормоқда.

СУРАТДА: «Кучимиз — бирликда!» — Нью-Йоркда бўлиб ўтган меҳнат қилиш ҳуқуқи учун намойиш қатнашчилари кўтариб олган шиорда ана шундай деб ёзилган.

ГФР. Болтиқ денгизидаги кўҳна Ганза шаҳри — Любек денгиз савдоси ва кемасозлик билан шуҳрат қозонган.

СУРАТДА: Любек ратушаси олдидаги майдон.

ТАСС фотохроникаси.

Қисқа хабарлар

ХАРТУМ. Ўқитувчиларнинг ғоят етишмаслиги Судан маориф системасининг асосий проблемасидир. Кейинги вақтларда ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўз мамлакатларидан чиқиб кетмоқдалар. «Судан нау» журналининг эътироф этишича, бу йил Саудия Арабистонининг ўзидагина 600 дан кўп киши хусусий шартномалар билан бошқа мамлакатларга жўнаб кетди. Мактаб ўқитувчисининг иш ҳақи шу қадар камки, у ғарибона яшашига зўрға етади.

* * *

БРАЗИЛИА. Бразилиядаги учта йирик саноат марказини — Сан-Паулу, Рио-де-Жанейро ва Белу-Оризонти шаҳарларини боғлайдиган темир йўл қуриб битказилмоқда. Қурувчилар Жанубий Америкада энг узун бўлган 8,5 километрли тоғ тунеллини проходка қилиб бўлдилар.

Мамлакатни иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим лойиҳаси — ана шу пўлат магистрални қуриш 1975 йилда бошланган эди. Узунлиги 400 километр бўлган йўл 1983 йилда фойдаланишга топширилади.

* * *

ХАРАРЕ. Зимбабве Шарқий Африкани кесиб ўтувчи Қоҳира — Габорон йўли қурилишига қўшилди.

— Бу муҳим лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш, — деди республика транспорт министри Ф. Масанго, — Зимбабве экономикаси учун катта аҳамиятга эга бўлажак магистрал мамлакатда ишлаб чиқарилаётган товарларни, энг аввало, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бошқа Африка давлатларига етказиб беришни тезлаштиради.

Кадрлар маскани

АДДИС-АБЕБА. Баҳр-Дарда Совет Иттифоқи қурган ва Эфиопия халқига туҳфа қилинган политехника институти ҳақли равишда миллий кадрлар маскани ҳисобланади. Дастлабки кунлардаёқ институтда совет ўқитувчиларининг катта коллективи меҳнат қилмоқда. Улар ўзларининг эфиопиялик ҳамкасблари билан биргаликда икки мингта яқин малакали мутахассис тайёрладилар.

Бу йил мамлакатнинг олий маълумотли кадрларга бўлган ўсиб бораётган талабини янада тўлароқ қондириш учун Баҳр-Дар институтини кенгайтириш ва янгилаш тўғрисида Совет — Эфиопия битими имзоланди. Институт ректори Шибау Белайнинг айтишича, бу тадбир студентлар қабул қилишни икки баравардан зиёд кўпайтириш, шунингдек институт ҳузурида шаҳарлардаги саноат корхоналари ишчилари учун малака ошириш махсус курслари очиш имконини беради.

Бугун Тошкент тўқимачилик комбинатида

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Мана, бир ярим йилдан зиёд вақт мобайнида Тошкент тўқимачилик комбинати 2-тўқув фабрикасидаги 3-тўқув цехининг мастер Галина Воробьева етакчилик қилаётган 6-участкаси коллективи ягона наряд асосида ишламоқда. Бригадага тўқувчи Эмма Снитченко раҳбарлик қилади. Ўн биринчи беш йилликн бошидан буён ўтган вақт бригада коллективи учун янги метод асосларини тўла ўзлаштириш, мавжуд қийинчиликларни енгиш, изланиш даври бўлди. Коллектив амалга оширган тадбирлар, муваффақиятларнинг илдизи, йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳақида цех бошлиғи Шохалил Абдураҳмонов шундай ҳикоя қилади:

— Меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг асосини ишчиларнинг юксак онглилиги, касбга муҳаббати, коллективнинг аҳиллиги ва ҳамжиҳатлиги ташкил этади. Яна бир муҳим омил — меҳнатнинг янги методига кўникма ҳосил қилишдир. Биз бу бригадани ташкил этишга 1980 йилнинг иккинчи ярмидан киришган эдик. Ишчилар ўртасида бригада методининг афзаллиги, у давр тақозоси ва техника тараққиётидан келиб чиққанлиги, энг муҳими, бу метод ишчилар манфаатига бўйсундирилганлиги ҳақида бир неча марта суҳбатлар ўтказдик.

Ниҳоят, фабрика маъмурияти ва партия комитети тасдиғига кўра цехнинг 6-участкаси прогрессив метод асосида ишлашга ўтди.

Яширмайман, дастлаб ишни бошлаш анча қийин бўлди. Тўғри, бригада дастлабки ойданоқ яхши натижага эришди. Аммо бу—биз кутган даражада эмасди. Сабаби нимада? Дастлаб бригадага илғор мастер ёрдамчиси раҳбар этиб сайланган эди. У ўз ишини жуда яхши биладиган, фабриканинг олдинги ишчиларидан эди. Аммо, раҳбарлик қобилияти етишмасди. Натижада аввал ҳам илғор ҳисобланган бу бригадада кутилган ўзгариш сезилмади. Уч ойдан сўнг бригаданинг умум мажлисида коллективнинг илғор тўқувчиси Эмма Снитченко бир овоздан бригадир этиб сайланди. Бригада совети состави ҳам қисман ўзгарди.

Бригада методига ўтишда техника масалаларини оқилона ҳал этиш яхши натижа беради. Эмма бригадирлик фаолиятини шу масалани ҳал қилишдан бошлади. У имкони борича дастгоҳларнинг техник ҳолатини яхшилади.

«Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлар» деганларидек, кўп ўтмай ишда сезиларли жонланиш бошланди. Бундан ташқари янги бригадир меҳнат интизомини мустаҳкамлашнинг қатъий чораларини кўрди. 1981 йил охирига келиб бригадада меҳнат унумдорлиги 1980 йилга нисбатан 7,3 процентга ўсди. Бу — йил давомида планга қўшимча 50 минг метрдан зиёд хом сурп ишлаб чиқариш имконини берди. Юқорида бригада методи ишчилар манфаатини ҳам кўзлайди, деган эдик. 1981 йилда 1980 йилга нисбатан коллективдаги ҳар бир ишчининг ойлик маоши ўрта ҳисобда салкам 18 сўмга ошди.

Шу йилнинг июль ойида мамлакатимиз енгил саноати корхоналари ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунига бағишланган кенгашда қатнашиш учун Москвага борган Э. Снитченко хушхабар билан қайтди. 1981 йилда эришган улкан меҳнат ютуқлари учун у бошлиқ бригада коллективи Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилибди. Коллектив СССР Енгил саноат министрлиги ҳамда СССР тўқимачилар касаба союзи комитетининг вимпели, тўқувчи Виноградовалар номидаги соврин ҳамда 480 сўм миқдорида пул мукофоти билан тақдирланди. Шуни қувонч билан айтиш керакки, бутун корхонада бригада методи асосида ишлаётган коллективлар ичида биринчи бўлиб Э. Снитченко бригадаси шундай юксак мукофотга сазовор бўлди.

Эмма Снитченко бошлиқ бригада ўз масъулиятини чуқур ҳис этаётган, ишончни оқлашга ҳаракат қилаётган бригада. Шу йилнинг биринчи кварталида коллектив меҳнат унумдорлигини 104 процентга кўтаришга эришган бўлса, тўртинчи кварталда бу кўрсаткич 114,1 процентни ташкил этди. Иккинчи ярим йилликда планга қўшимча 20 минг метрдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бундан барча иш осон кўчаётган экан, деган маъно чиқмаслиги керак. Бригада коллективига деярли ҳар куни турли сабабларга кўра юзага келаётган жуда кўп муаммоларни ҳал қилишга тўғри келмоқда. Бригададаги тўқувчилар 48 та ўрнига 64 та дастгоҳга хизмат қилишга қодир. Буни амалда жуда кўп исботлашган. Лекин... Бугунги кунда тўқувчилар 48 дастгоҳга аранг хизмат қилишяпти. Фикримни ойдинлаштираман: дастгоҳларимизнинг мокисига таралган калава жойланади. Калава эса йигирув цехидан келтирилади. Калава зич ўралмагани туфайли патрондан чувалиб, сочилиб чиқиши юзага келади. Дастгоҳ тўхтайди. Тўқувчи тўқилган сурпни қирқиб олади. Янги калава ўрнатади. Бу иш жараёни тўқувчининг бир соатдан зиёд вақтини олади. Бу ҳол полотно 40 метрдан ошгач рўй берса яхши. Қирқиб олиб саралаш цехига жўнатиш мумкин. Агар бу ҳол 39-метрда рўй берса, тўқувчи тортган азобни кўринг: у ҳар бир толани битта-битта улаб чиқиши керак. Бўлмаса сараловчилар брак, деб қабул қилишмайди. Унинг қарамоғида эса 48 дастгоҳ бор. Баъзи кунлари бундай ҳолат бригадада 38—40 мартагача рўй беради. Энди ўйлаб кўринг; шундай ҳолатда тўқувчи қандай қилиб 64 дастгоҳни бошқарсин? Тўқувчини тушовлаб қўядиган ана шундай брак калава етказиб бераётган С. Сулаймонов етакчилик қилаётган йигирув цехининг ишини яхшилаш керак бўлади. Аммо ҳанузгача бу ҳеч кимнинг хаёлига келмаяпти.

Биз ишчидан иш талаб қилишдан аввал унинг нормал ишлашига шароит яратиб беришимиз лозим, деб ўйлайман. Шундагина кўзланган марранi ўз вақтида эгаллаш, катта муваффақиятларни қўлга киритиш мумкин бўлади.

Ҳ. САЙДУЛЛАЕВ.

«ТЎЙ ТЎЙДЕК БЎЛСИН...»

(1982 ЙИЛ, 20 СЕНТЯБРЬ) МАҚОЛАСИ —ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Инсоний мезон керак

«Тошкент оқшоми» газетаси тўйлар ҳақида баҳс очиб жуда хайрли ишга аралашди. Бу муҳокамани бошлаб берган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий, муҳокама давомида ўз фикрларини баён этган адибларимиз Ўткир Ҳошимов, Ҳаким Назир, Тўра Сулаймон, қанчадан-қанча авлодларга мураббийлик қилган отахон педагогимиз А. Рустамов, профессорлар О. Тоғаев, Ҳ. Собиров, философлар, журналистлар ва қўшақўша келин-куёвли қарияларимиз муҳокамада қизғин иштирок этиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини ўртага ташладилар. Шу сабабли ҳамма масалага батафсил тўхташнинг эҳтиёжи қолмади. Бироқ, айримлари бўйича мен ҳам ўз мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчи эдим.

Баъзан ҳар кимда ҳам орзу-ҳавас бор, тўй умрда бир бўладиган чарса, ундан аяш нимага керак? Топган-тутганинг тўйга буюрсин, деган гап бор. «Бу ота-бободан қолган удум», — дейдиганлар учраб туради. Елғоннинг нима кераги бор? Аслида, ота-боболаримизнинг удуми асло бундай ҳам эмас. Мен 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларидаги тўйларни кўрганман. Эски тўйда оқ ўраш деган расм бўлган. Бу — тўйга розилик демак. Қуда томондан одатда икки, кўп деганда 4 одам келган, совчилардан асосийсига бир кийимлик ипаклик, кўп ҳолларда иплик газлама қўйилган. Столга эса оддий қандқурс, ҳўл мева тортилган.

Илгари куёвга сарпо қилинганда тўн, ипликми, ипакликми бир кўйлак ва кавуш-махси қилинган, қайнотага тўн, қайнонага кўйлак юборилган. Ҳозир куёвга костюм, сорочка, макентош, қишлик пальто, ботинка (буларнинг ҳаммаси ҳам энг қимматбаҳоларидан бўлади); қайнотага ҳам бир сидра уст-бош, қайнона ва бошқаларга қимматбаҳо кийимликлар қўйилади.

Илгари қиз бир сандиқ, кўрпа, кўрпача, ёстиқ, бир неча кўйлак, жом, ойна билан келарди. Энди эса импорт мебеллар (турар жой гарнитури, кабинет гарнитури) яна алланималар. Бунинг устига яна телевизор (рангли бўлиши маъқулроқ), кир ювиш машинаси, радиола, магнитофон, соат... бу ёғида ижодкорлик учун майдон кенг.

Энди инсоф билан айтингчи, ота-бобо удумида шулар бормиди? Асло бўлмаган. Буларнинг ҳаммаси бидъат, яъни янги пайдо бўлган одатдир. Бидъат бўлганда ҳам бидъати ҳасана (яхши урф-одат) эмас, балки бидъати саййиа (ёмон урф-одат)дир.

Бундай бидъатлар пайдо бўлишига сабаб нима? Уларни кимлар урф қилиб юбормоқда? Дарҳақиқат, эс-ҳуши жойида одамлар ҳеч қачон дабдабаю асъаса учун, тўй қилишни мансаб деб билган эмас.

Шуни афсус билан айтамизки, бизда дабдабабозлик фақат тўйдагина эмас, балки мотамзадалар томонидан ўтказиладиган маросимларда, шунингдек турли қувончли ҳодисалар (туғилиш, армияга узатиш ва кутиб олиш, туғилган кун, ўрта ва олий мактабни тугатиш, диссертация ҳимояси ва ҳоказо муносабати) билан берилаётган зиёфатларда ҳам яққол намоён бўлмоқда. Биз тўйда ҳам, бирор муносабат билан боғлиқ ҳар қандай меҳмондорчиликда ҳам меъёрни йўқотиш фақат беҳуда манманликнинг нишонаси деб биламиз.

Тўғри, дунёда инсонда орзу-ҳавас деган нарса бор. Доно шоиримиз Ғафур Ғулом айтганидек, «Тўй умрда оз бўлажак сийрак тантана». Бироқ шу тантана йиллаб жамғарилган бойликни совуриш маросими эмас-ку. Тўйларни тантанали ўтказайлик, шу муносабат билан ўз хизмати, оилавий ишлар билан банд қариндош-уруғ, дўст-ёр тўпланиб, чақчақлашишга нима етсин. Инсоф билан айтганда, тўй худди шундай тантана бўлиши керак. Биз уни сохталаштириб, маст-аласт ҳайқириқлар, тўс-тўполон, исрофгарчилик ва беҳуда совуришга айлантириб юбормаслигимиз керак.

Мулоҳазаларимизнинг интиҳосида яна бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Нега маросимларга етти маҳаллага мактуб йўллаб «фалончи-фалончи ва мунча нафарни» ошга чорлаймиз? Нима учун бундай йиғинларни инсоний мезонга солиб бўлмайди? Чамамда, бу соҳада ҳам муайян хайрли тартиб қарор топиши керак. Аммо ҳозирча эс-ҳушини йўқотиб, қувончидан чиқадиганларни сергаклаштирадиган таъсирли маънавий, ҳатто маъмурий чоралар кўриш пайти келганга ўхшайди!

Солиҳ ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби.

Режали иш — тежамлидир

«Ҳар кимни тўйга етказсин», «Тўй уйи— бахт уйи» деган иборалар ҳар кўнгилга қувонч бағишлайди. Фаровон ҳаётимизда яхши тўйлар ўтказиб, ширин турмуш гаштини суряпмиз. Лекин тўйларда кўп дабдабавозликлар бўляптики, бу дилларимизни ранжитяпти. «Оқшом» газетасида севимли ёзувчимиз Раҳмат Файзий ажойиб урф-одатларимиз ҳақида жуда мароқли фикрларини баён қилди.

Тўй дунёдаги барча халқлар, элат ва миллатлар томонидан жуда қадим даврлардан бошлаб ўтказилиб келинаётган анъанавий маросимлардан биридир. Тўй ижтимоий ҳаёт тажрибасига асосан кўпчилик — жамоатчилик иштирокида тантанали равишда ўтказилган. Шунинг учун одамлар илгаридан тўйга алоҳида эътибор билан қараганлар, тўйлардаги ажойиб миллий анъаналарни асраб-авайлаб келганлар ва уни авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирганлар.

Афсуски, айрим шахслар анъаналаримиз ўрнига ўзларича янгилик киритиб, қонун-қоидаларни бузаяптилар, аҳлоқ-одоб нормаларига хилоф қилиб, катта исрофгарчиликларни вужудга келтиряптилар.

Тўйларни ва турли маросимларни ўтказишда якдиллик бўлса, тўйларимиз ихчам, камтарона ва файзли бўлиши аниқ.

«Оқшом» газетасида профессор Ҳ. Собиров тўйларни ўтказиш ҳақида рисола чиқариш керак деб ёзди, бу яхши фикр. Лекин, республикамизнинг турли жойларида тўйлар ҳар хил ўтказилади. Рисолада шулар эътиборга олинса яхши бўлади.

Умуман, тўй ўтказиш ҳақида рисола чиқарилса айни муддао бўлади. Мен тўйларни ўтказишда яна қуйидагиларга эътибор қилинишини таклиф қиламан.

Ҳар бир маҳаллада 10-12 кишидан иборат тўй комиссияси бўлса, айни муддао бўлур эди.

Тўйларни ихчамлаштириш, одамларнинг вақтини тежаш мақсадида ўғил тўйи қилувчилар ҳеч қанақа столстул ясамасдан, қўни-қўшни, ошна-оғайнилар иштирокида кеч қурун сабзи тўғраб, эрта билан ош берса бўлади.

Қиз чиқарувчи соат 3 да ўз маҳалласига, соат бешда қуда томондан келадиган қарияларга ош бериб, соат 6-7 да куёвларни кутиб олса яхши бўлади.

Ўғил уйлантирувчилар соат 2-3да тўй юбориш вақтида маҳалласига ош бериб, кечки томон қариндош-уруғлар билан куёвлар олдинма-кейин бориб келиши мумкин. ЗАГС масаласига келганда, иккита машинада қизнинг тўрт дугонаси, куёвнинг уч-тўрт ўртоғи бориб никоҳдан ўтиб келишининг ўзи кифоя қилади. ЗАГСдан кейинги зиёфат бачканаликка айланмаслиги керак. ЗАГС гувоҳномасини тўй куни маҳалла комитети раиси ёки тўй комиссияси аъзоси топшириши айни муддао бўлади.

Тўйларни ҳамма маҳаллаларда мавсумга қараб бир вақтда очиб, бир вақтда тугатиш керак. Шу билан бирга, тўй ёпилгандан сўнг йигитнинг ўртоқлари ва қизнинг дугоналари келинининг уйига кириб олиб ичкиликбозлик қилишлари одобга ҳам, қоидага ҳам тўғри келмайди. Ўғил тўйидами, қиз тўйидами тўй қилувчининг қанча одами борлигини аниқлаб, қанча гуруч дамлаб ош қилади, қанча нон кетишини албатта тўй комиссияларининг иштирокида аниқлаб бериш керак.

Енгил-елпи пул топиб, босар-тусарини билмай қолганлар ошчи хизматчиларининг нонини «туя» қилиб, кўпчиликни, маҳаллани ҳурмат қилмай, берилган кўрсатмаларга риоя қилмай тўй қилганларни тегишли органларга хабар қилиш керак.

Биз ишонамизки, ёзувчи Раҳмат Файзийнинг «Тўй тўйдек бўлсин...» мақоласи ва унинг муҳокамаси якуни асосида бирор рисола—қўлланма яратилади, бундан кейинги тўйлар шаҳримизда бир система асосида олиб борилади.

Тўйларни замонавий тарзда ўтказиш ҳақида ўйлаш ҳаммамизнинг ишимиз ва бурчимиз. чунки тўй — шахсий иш эмас.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маърифи аълочиси, шахсий пенсионер.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

(ХАТЛАРДАН САТРЛАР)

Халқимизнинг кўп яхши урф-одатлари, анъаналари бор. Илгарилари никоҳ тўйлари бир кунда, ихчамгина ва камтарона ўтказиларди. Фаровон ҳаётимизда тўйлар янгича ўтказиладиган бўлди, бу ҳам яхши. Лекин кўп тўйларимизда ортиқча исрофгарчиликлар бўляпти. Баъзи никоҳ тўйларида қўш карнай, қўш сурнай, ноғора-ю-доиралар чалинади, етти маҳалла чақириб, ош берилади. Кечаси алламаҳалгача отарчиларнинг ашуласи тинмай, ором олаётган меҳнатчиларнинг ороми бузилади. Булар яхши эмас, тўйларимиз ихчам ва меъёрда ўтишини ҳар бир маҳаллада тузилган тўй комиссиялари таъмин этишлари керак.

Шаҳардаги Олмос кўчасида истиқомат қилувчи Маҳмуд ота мактубидан.

Бизнинг маҳалламизда куни-кеча ихчамгина бир тўй бўлди. Куёв томонидан ўн беш-йигирма, келин томонидан ўн беш киши, жами 50—60 киши келди. Кичик бир залда шинам дастурхон ясатилди. Тўй шу ерда, бир кунда жуда кўнгилли ўтди.

Н. РИХСИЕВ,
Сергели районидаги «Сабзавот» маҳалла комитети активи.

Кўп оқшомхонлар ёзганидек, тўйларимиз ихчам, камтарона ва фаровон ҳаётимизга яраширлик бўлсин. Дабдаба билан тўй қилаётган, радиокарнайларни тонгга қадар бақиртириб қўяётганлар, бир тўйни уч-тўрт кунлаб ўтказаётганлар маъмурий органлар томонидан текширилиб, тартибга чақирилса айни муддао бўлур эди.

М. АҲМЕДОВ, меҳнат ветерани.

Маҳалла комитети қошида тўй комиссияси тузилиши, бу комиссия аъзолари тўйнинг рисоладагидек ўтишини назорат қилишлари ҳақидаги таклиф жуда яхши. Мен ёзувчимиз Раҳмат Файзийнинг никоҳ тўйларини бир кунда ўтказиш ҳақидаги қимматли мулоҳазаларини мароқ билан ўқидим.

У. ЮСУПОВ.
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва меҳнат ветерани.

Очиқ гап, фаровон турмушимизни баъзилар бошқача тушуниб, ўзларини катта олишиб, эл-юртга ўзларини «бир кўрсатиб қўймоқчи» бўлиб даранг-дурунг, дабдабали тўйлар қилишмоқда. Бу эса, «Оқшом» газетасида ёзувчимиз Раҳмат Файзий ёзганларидек, кўпчиликнинг нафратини қўзғаяпти. Шунинг учун маъмурий органлар билан маҳалла комитетлари ҳузуридаги тўй комиссиялари ҳамкорликда тўйлардаги дабдабабозликка барҳам беришлари керак.

М. РУСТАМБЕКОВ,
Байкал кўчасида истиқомат қилувчи.

Ёзувчимиз Раҳмат Файзийнинг «Тўй тўйдек бўлсин»...» мақоласини маҳалламизда атрофлича муҳокама қилдик. Маҳалламиз аҳли «Оқшом» газетасидаги тўй ҳақидаги баҳсларга ғоят қизиқиш билан қарашмоқда. Шунинг учун маҳалламизда Мирамин ота Очилов, Олимжон Нурмуҳамедов, Самиғ оталар хонадонида ўтган тўйлар бир кунда, ихчам ва камтарона бўлди.

Маҳалламизда тоғора-тоғора пиширириқларга, тўйлардаги ичкиликбозликка, отарчиларга пул қистириш ва исрофгарчиликларга батамом барҳам берилди.

М. ҚУШОҚОВ,
Октябрь районидаги «Октябрь 50 йиллиги» номли маҳалла комитети раиси, истеъфодаги подполковник.

Мен бир нарсага ҳайронман. Илгарилари тўйларда ичкилик деган нарса бўлмас эди. Бунинг ўрнига ширин-шарбат мевалар, лаззатли таомлар қўйиларди. Ўйин-кулгилар, куй-қўшиқлар, «Ёр-ёр»лар бўларди. Фаровон турмушимизда ҳозир тўйлар янада файзли бўляпти. Лекин бирор тўй ичкиликсиз ўтмайди. Катта ёшдагилардан тортиб, баъзан ўқувчилар ичаётганини кўриб қаттиқ ранжийпмиз. Ичкиликбозликка барҳам беринг, яхшилар!

М. ҒУЛОМОВА,
Тошкент Давлат медицина медицина институтининг доценти.

Ҳар нарсанинг меъёри бор. Якшанба куни Навоий кўчасидан ЗАГСдан ўтгани кетаётган келин-куёв ўтирган машиналарни кўрдим. Санадим. Ўн учта енгил машина қатор кетяпти. Бу нима деган гап? Бир-икки машинада, келин-куёвнинг яқинлари билан ЗАГСдан ўтиб келинса бўлмайдими? Ўн-ўнбеш машинада юриш мансаб бўлдими?!

М. ЭРГАШЕВ,
Тошкент Давлат университетининг студенти.

Қуда-анда ва куёв чақириқлар баъзан ҳаддан зиёд меҳмондорчиликка, катта зиёфатга айланиб кетяпти. Бир танишимизнинг уйида куёв чақириққа икки томондан юз кишн йиғилди. Олти хил овқат, яхна овқатлар тайёрланди. Жуда кўп исрофгарчилик бўлди. Бу —нонтепкилик, яхши эмас.

М. АЪЗАМОВ,
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, шахсий пенсионер.

Менинг бир қўшним, қуда чақириққа саксон кишини чақириб, 24 кишига тўн кийгизди, бир қанча аёлларга қимматбаҳо кийимлар қўйди. Қўшним шўрлик бу дабдабаларга бировдан қарз кўтарган экан, ҳали-ҳали тўлолмай йиғлаб юрибди. Шунақа экан, қуруқ обрў оламан деб чиранишнинг нима ҳожати бор эди?

К. ҚОРАБОЕВ,
пенсионер ўқитувчи, меҳнат ветерани.

ИБРАТ АНЖУМАНИ

«Тўй тўйдек бўлсин...» мақоласининг муҳокамасида иштирок этаётганлар таъкидлаганларидек, янги турмуш тарзи, совет кишиларининг меҳнати, характери ўзгарганлиги натижасида турмушимизга янгича урф-одатлар, маросимлар кириб келди.

Тўйларимиз замонамиз талабларига жавоб берадими? Айтиш керакки, ҳамма вақт ва ҳамма тўйларимиз ҳам жавоб беради деб бўлмайди. Маълумки, маҳаллий, партия, совет, жамоат ташкилотлари тарбия билан алоқадор бўлган комиссиялар, Советлар тўйга тарбия тадбири деб қарамоқдалар. Баъзилар тўйларни олиб борадиган одамларни танлашга бефарқ қарайдилар, тўйларда гапирадиган одамлар баъзан маслаҳат бўлиб сўзлайдилар, тарбияга мос келмайдиган, пойинторсойинтор гапларни айтадилар.

Баъзилар, тўй — мажлис эмас, дейишади. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди, чунки ҳар қандай тўйхона одамлар йиғилгандан кейин жамоат жойларига, тўй тарбияга бўйсундирилган тадбирга айланади. Шунинг учун тўйларимизда гапирадиган, табрик сўзи билан чиқадиган кишилар ҳалол меҳнати билан обрў қозонган, бола тарбиясида тажриба тўпланган, хулқ-одоби билан тенгдошларидан устун турадиган кишилар бўлиши керак. Бундай ҳурматга эга бўлган кишиларнинг гапи, табриги, тўй эгасининг обрўйини оширади, одамларни ижобий маънодаги ҳавасини оширади, жамият олдида турган вазифаларни пропаганда қилади.

Биз маросимлар, тўйлар социологияси билан шуғулланганмиз. Ҳозирги мўл-кўлчилик шароитида катта тўй қилиб, одамларни қойил қолдириб бўлмайди. Келганларнинг кўпчилиги бундай катта, дабдабали тўйларни қандай маблағ ҳисобига бўлаётганлигини билади. Баъзилар данғиллама тўй қилиб, обрў олиш ўрнига ўзларини фош қиладилар. Тўйларнинг мазмуни, ҳавас келтирадиган томони ичилган ароқ, ейилмасдан қолиб кетган овқатлар билан эмас, балки тўй эгасининг шаънига айтилган объектив гаплар, табриклар, истаклар, баҳолар билан белгиланади.

Яқинда республикамизда баланд обрўга эга бўлганлардан бир киши тўй қилди. Юзга яқин одам таклиф қилинган (хоҳласа истаганча одам келиши мумкин эди). Таклиф қилинганлар яхши ором олишди, исрофгарчилик ҳам бўлмади. Келганларнинг ҳаммаси бундай катартин, аммо ёдда қоладиган тўйга ҳавас қилиб кетди. Чунки тўй мақсадга мувофиқ ўтказилган эди.

Сафар УТАНОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

ГОЛИБЛАРНИ САЁҲАТ КУТМОҚДА

• Туристик конкурсга марҳамат

▲ ҚАРДОШЛИҚ АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМ
▲ КИМНИНГ ЖАВОБИ ЯХШИ
▲ ГДР, ЧССР, ВХР, БХРга САЁҲАТ

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Чет эл туризми бошқармаси, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Чет эл туризми бошқармаси социалистик мамлакатлар — Венгрия, Болгария, Польша, Чехословакия ва ГДРнинг туристик ташкилотлари «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакциялари билан биргаликда СССР ташкил топганлигининг 60 йиллиги шарафига «Дўстлар учрашуви» туристик конкурсини ўтказади. Конкурсга 1983 йилнинг февраль ойида якун ясалади.

Ушбу конкурсда иштирок этишни истаган газетхонлар конкурсдаги ўнта саволга жавоб беришлари лозим.

Конкурс ғолиблари Венгрия Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Германия Демократик Республикасига саёҳат учун тўртта бепул йўлланма билан мукофотланадилар.

Польша Халқ Республикасининг «Орбис» саёҳатлар бюроси викторинанинг энг яхши қатнашчиларини қимматбаҳо совғалар билан тақдирлайди.

Конкурсни ўтказишдан мақсад ГДР, ВХР, БХР, ЧССР ва ПХРдаги дўстларимизнинг турмуш тарзи билан янада кенгроқ танишиш, туристик саёҳатларни янада ривожлантириш, қардошлик ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашдан иборат.

Қадрли дўстлар, конкурсга марҳамат қилинг!

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг редакциялари оқшомхонларни ўнта саволга жавоб ёзиб, конкурсда иштирок этишга таклиф этади. Бу мамлакатлар тарихи, ташкил топиши ва тараққиёти, мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик чуқур акс этган жавоблар энг яхши деб топилади.

КОНКУРС САВОЛЛАРИ

1. 1918 йилнинг декабрида Берлинда немис ишчилар синфи партияси тузилган. Бу партия қандай аталган ва унинг ташкилотчиси ким бўлган!

2. ГДРда В. И. Ленинннинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қандай жойлар бор!

3. Польша Халқ Республикасидаги В. И. Ленин ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ қадамжолар номини айтинг.

4. Улуғ Октябрь социалистик революциясида иштирок этган польшалик таниқли революционерларнинг номларини айтинг.

5. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг Ленин партияси типидаги Болгария Коммунистик партияси ташкил топишига таъсири ҳақида ҳикоя қилинг; ана шу жараёнда Георгий Димитровнинг ўрни ва ролини кўрсатинг.

6. Болгариянинг юксак тоғли курортларини сананг ва улар ҳақида қисқача ҳикоя қилинг.

7. Жаҳондаги иккинчи Совет республикаси қаерда ва қачон ташкил топган!

8. Таниқли венгер музикашуноси, композитори ва педагоги Золтан Кодай юз йил муқаддам туғилган шаҳар ҳақида нималарни биласиз!

9. Ленинча принциплар асосида яратилган СССР Конституцияси ЧССР ижтимоий тузумининг федератив характерига асос бўлди. Чехословакия Социалистик Республикаси ташкил топганидан буён чехлар ва словаклар ўртасидаги муносабатлар қандай ривожланмоқда!

10. Тошкентда ЧССРнинг миллий қаҳрамони, таниқли журналист ва ёзувчи музейи бор. Ана шу ёзувчи номини айтинг ва у ҳақда билганларингизни ҳикоя қилинг.

Конкурс саволларига жавоблар ёзилган хатни редакциямизга жўнатаётиб, фамилиянгиз, исмингиз, отангизнинг исми, уй адресингиз, иш жойингиз, касбингизни тўғри кўрсатишни унутманг.

Жавобларни қуйидаги адресга юборинг: 700000. Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. «Тошкент оқшоми» газетаси редакцияси «Дўстлар учрашуви» конкурсига, деб ёзинг.

Жавобларни редакцияга йўллашнинг сўнгги муддати —1983 йилнинг 31 январи. Жавоблар редакцияга юборилган муддат конвертдаги почта муҳри бўйича аниқланади.

Қадрли оқшомхонлар, Сизни қардош социалистик мамлакатларга ажойиб саёҳат, янги шаҳарлар, ажойиб дўстлар, табиатнинг гўзал жойлари билан танишув кутмоқда.



СУРАТЛАРДА: София марказидаги Озодлик паркида болгарлар диёрига тинчлик ва эрк олиб келган Совет Армияси жангчилари хотирасига ўрнатилган улуғвор ёдгорлик қад кўтариб турибди. Ана шу ёдгорлик пойидан гулдасталар ҳеч аримайди.

ВХР. Ҳалоснор совет жангчилари шарафига Геллерт тоғида ўрнатилган ёдгорлик.

В. Мастюков ва МТИ—ТАСС фотоси. ТАСС фотохроникаси.

ЙЎЛЛАРДА НАМУНАЛИ ТАРТИБ УЧУН

Автоинспектор-дружиначиларнинг биринчи слёти бўлиб ўтди. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш —совет кишилари саломатлиги ва қаётини муҳофаза қилишга қаратилган муҳим вазифалардан бири. Кейинги ўн йил ичида шаҳар автомотопарки икки баравардан зиёд кўпайди, юк ташиш оборотн салкам икки баравар ўсди. Шахсий автомототранспорт сони ҳам анча ўсди.

Шу муносабат билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини бартараф этиш муаммоси янада жиддийлашди. Бу муаммони ҳал этишда маъмурий органлар билан бир қаторда ихтисослаштирилган кўнгилли халқ дружиналари фаол қатнашмоқдалар.

Ҳозирги пайтда Тошкентда 3798 жамоатчи автоинспектор ва 36 нафар ГАИнинг штатсиз ходимлари бор. Дружиначи автоинспекторлар автомобиль инспекциясига йўл-транспорт ҳодисалари рўй беришига олиб келувчи сабаб ва шароитларни бартараф этишда ёрдам бермоқдалар. Улар 1982 йилда 4928 нафар йўл ҳаракати қоидаларини бузувчиларни аниқладилар. Тошкент шаҳар марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестининг 2502, 2505, 2521, 2512-автоколонналари, «Главташпассавтотранс» нинг 5, 6, 7-таксомотор парклари, 4, 7-автобус парклари, Тошкент шаҳар трамвай-троллейбус бошқармасининг 1-троллейбус, 2-трамвай деполарининг ихтисослаштирилган халқ дружиналари фаол ишлашди. Кўнгиллилар — 2515-автоколонна ҳайдовчиси В. Сафронкин, 2521-автоколонна ҳайдовчиси А. Гулджигит, 7-автобус парки ҳайдовчиси В. Алимов ва бошқалар давлат автомобиль инспекциясига катта ёрдам кўрсатишяпти.

Масалан, 2521-автоколоннада 32 автодружиначи ва давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг икки штатсиз ходими ишлаяпти. Бу ерда ҳайдовчиларнинг линиядаги иши, транспортнинг техник ҳолати, йўл ҳаракати қоидалари ва иш режими бузилишларини таҳлил этиш бўйича назорат группалари тузилган.

Генерал Петров ва Хабаровский кўчаларида ГАИнинг жамоатчилик асосидаги пости патруллик қилади. Пост ҳар куни эрталаб ва кечқурун транспорт оқими кўпайган пайтда транспорт ва йўловчилар ҳаракатини назорат этади.

Шу йилнинг ўтган ойларида автоколоннадаги жамоатчи автоинспекторлар ҳайдовчилар йўл қўйган 726 та қоида бузилишини ва йўловчилар йўл қўйган 576 та қоида бузилишини аниқлашди. Аҳоли ва ўқувчилар ўртасида 325 та суҳбат ўтказилди, 50 марта транспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ташкил этилди. Натижада 285 та турли техник нуқсонлар аниқланди. Кўнгиллилар 130-мактабга синфни жиҳозлаш, йўл ҳаракати қоидаларини ўрганиш машғулотлар бошланиши олдидан ва тугагандан сўнг болаларнинг хавфсиз йўлдан юришларини таъминлаш борасида фаол ёрдам кўрсатишди.

Слётда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори И. Ғ. Сатторов, шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармаси бошлиги, милиция полковниги М. А. Абутов, 2521-автоколоннанинг ҳаракат хавфсизлиги бўйича катта инженери В. В. Титов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Слётда Тошкент шаҳар партия комитети маъмурий органлар бўлимининг мудири В. Т. Покутнев иштирок этди.

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция генерал-майори И. Ғ. Сатторов слёт қатнашчисига эсдалик совғасини топширмоқда.

Е. Ботиров фотоси.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

28 ДЕКАБРЬ, 1982 й.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ДЕКАБРЬ СОАТ 19.00 ДА

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти

ГУЛШОД ОТАБОЕВА

Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Нуриддин ҲАЙДАРОВ, Бахтиёр ТЎЛАГАНОВ, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Гулнора ОДИЛОВА, Тоштемир ТОҲИРОВ, Доно ШОРАҲМЕДОВА, Саттор ИСЛОМОВ, Каримжон ФАЙЗИЕВ ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

ПРОГРАММАНИ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Отамурод БЕКЖОНОВ олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Олмахон ҲАЙИТОВА.

Музика раҳбари — Шавкат МУҲАМЕДОВ.

ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ

29 декабрь — 10 январь кунлари

ШАҲАР ЯНГИ ЙИЛ АРЧА БАЙРАМИНИ ЎТКАЗАДИ

Томошаларда ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, ЭТИК КИЙГАН МУШУК, ЯЛМОҒИЗ КАМПИР, ҚОР МАЛИКАСИ ва бошқа эртак қаҳрамонлари қатнашадилар.

Томошалар соат 11.00 ва 13.00 да бошланади.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

77-72-75, 77-68-12 телефон номери бўйича справкалар олиш мумкин.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

1—10 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ҚИШКИ КАНИКУЛ КУНЛАРИДА

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ ВА БОШҚА ЭРТАК ҚАҲРАМОНЛАРИ ИШТИРОКИДА

«СЕҲРЛИ КЎЛ»

ЯНГИ ЙИЛ ЦИРК ТОМОШАЛАРИ

ТОМОШАЛАР СОАТ 10, 12, 14.00да БОШЛАНАДИ.

ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ИНТЕРНАТЛАР, МАКТАБГАЧА ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИ ВА БОЛАЛАР УЙЛАРИГА БИЛЕТЛАР ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН СОТИЛАДИ.

Касса ҳар куни соат 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

46-03-12, 46-70-31, 55-62-27, 55-65-22 телефон номерлари бўйича справкалар олиш мумкин.

Тошкент шаҳар, Куйбишев районидаги 241-ўрта мактаб томонидан **Хасанов Тоир Ҳуснитдинович** номига берилган 619157 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Сурхондарё область, Қумқўрғон районидаги 2-ўрта мактаб томонидан **Худойназаров Ғайрат Бобоқулович** номига берилган 053090 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЁДГОРЛИК—ЭСДАЛИК УЧУН СОВҒА

Республикамиз шаҳарлари бўйлаб саёҳат қиларканмиз, бой таассуротларга эга бўлиб қайтамиз. Афсуски, вақт ўтиши билан таассуротларимиз сийраклашади, кўпгина нарсалар ёдимиздан кўтарилади.

Ўлкамизнинг меҳмондўст ва очиққўнгил кишилари, гўзаллиги ва сахий қўёши ҳақидаги хотираларни сақлаб қолишда ўзбек ёдгорлик совғалари ёрдам беради.

Ўзбекистон халқ усталари тайёрлаган миллий буюмлар фақат кўзни қувонтирувчи безак эмас, балки чинакам санъат асари ҳамдир. Улар уйингизни безабгина қолмай, уй музейингизни ҳам бойитади.

ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ МАГАЗИНЛАРИГА

ТАШРИФ БУЮРИНГ:

20— Муқимий кўчаси, 22-уй.
22— М. Горький проспекти, 3-уй.
42— Шаҳар ярмаркаси.
43— Октябрь бозори.

БУ ЕРДА СИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

сўзаналар — духоба ярим духоба, атлас, сатиндан;
чойшаблар, зардевор;

дўппилар — қўлда ва машинада ишланган: зардўзи, силлиқ бўялган, майда маржонлар қўшиб тикилган;
кўйлаклар — табиий хонатласдан тикилган;
чопонлар — эркакларники (пахтали ва ёзги);
чорсилар — атласдан, ипгазламадан, альпак жунидан, селондан, товардан;
чинни пиёлалар;
сопол буюмлар — лаганлар, кўзалар, вазалар, пиёлалар;
суякдан тайёрланган ёдгорлик буюмлари;
миллий пойафзаллар — махсилар, кавушлар, орқаси ёпиқ ва очиқ уй туфлилари;
зардўзлик буюмлари — болалар сумкачалари, нина санчиладиган ёстиқчалар, кўзойнак ғилофлари, камзуллар, диван ёстиқлари учун жилдлар;
миллий қўғирчоқлар — «Зумрад», «Тоҳир», «Тўлғаной»;
қадама нақш солинган пахолдан тайёрланган буюмлар;
миллий чолғу асбоблари — доира, рубоб, най.

«ОЛМОС» РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-ЧАКАНА САВДО БИРЛАШМАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/XII да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 28/XII да **Аризасиз кўра.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 28/XII да **Қиёфалар ёки «занжир»** (премьера, билетлар сотилган: 19.00).

КИНО

28 ДЕКАБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«КУНЕРМАГАЧА ТЕЗЮРАР ПОЕЗД» — **С. Раҳимов номли.**

«ШАРҚДА ШУНДАЙ САХИЙ ШАҲАР БОР» — **Қозоғистон.**

«СЕВАМАН СЕНИ, МЕНИНГ РОССИЯМ!» — **Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли.**

«ХАВФЛИ ИШҚИБОЗЛИК» — **Искра.**

«АСЛИДА КИМ АИБДОР» — **Кўнча.**

«АГАР ЕНҒИН ЮЗ БЕРСА-ЧИ? — **Кўнча.**

«ГУГУРТ» — **Пионер.**

«ВАСЯ ҚОИДАГА ҚАНДАЙ АМАЛ ҚИЛДИ?» — **Тинчлик.**

«ЕНҒИН ТЎҒРИСИДА РЕПОРТАЖ» — **Москва.**

«ТЕРГОВ ВАҚТИ 5 МИНУТ» — **Дружба.**

«ИНСОНЛАР ФАРОВОНЛИГИ УЧУН» — **Фестиваль.**

«ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШИҒИМ МЕНИНГ» — **Мир.**

«ЕНҒИН— БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли.**

«БУЗИЛМАС ИТТИФОҚ» — **Восток.**

«ХАВФЛИ ЎЙИН» — **Восток.**

«ЎШЛИК» — **Ҳамза номли.**

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЭКИПАЖ» — **Санъат саройи** (телефон 44-21-74). **Нунус** (18.30, 21.00, телефон 46-70-89).

«МОСКВА КЎЗ ЎШЛАРИГА ИШОНМАЙДИ» — **Санъат саройи** (кичик зал, 17, 19.30, телефон 44-21-74).

«ШАНТАЖ» — **Чайка** (жуфт соатларда, телефон 77-06-20), **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚАДИМИЙ ОҲАНГЛАРДА» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 78-47-25), **Искра** (18, 19.45, телефон 39-14-59).

«ҚАНДАЙДИР ЎЗГА АЁЛ» — **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-14-61).

«ШАХСИЙ ҲИСОБ-КИТОБ» — **Ҳамза номли** (жуфт соатларда, телефон 91-10-51). **Тинчлик** (жуфт соатларда, телефон 53-86-07).

«БОЖХОНА» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

АЭРОФЛОТНИНГ ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Тошкент авиаторлари томонидан ўзлаштирилган ИЛ—86 аэробуси

29 декабрь соат 11.00да

(Москва вақти билан)

Москвага қўшимча рейс бўйича

биринчи марта

парвоз қилади.

Тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини Москвага парвоз қилишга чорлаймиз.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР

ДИҚҚАТИГА!

42 (2/1-«Қорақамиш» массиви) ва 51 (Беруний кўчаси) ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ МАГАЗИНЛАРИДА Ж. СИМЕНОНнинг «ПРИЗНАНИЕ МЭГРЕ» китобига

АБОНЕМЕНТЛАР ТАРҚАТИЛМАЙДИ

«ВТОРСИРЬЁ» Тошкент тайёрлов-ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ОБУНАЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳрида обуначиларга вақтли матбуот нашрларини етказиб беришни яхшилаш мақсадида НАШРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ КОНТРОЛЬ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ ИШЛАБ ТУРИБДИ

Газета ва журналларни етказиб беришдаги барча камчиликлар тўғрисида соат 10.00 дан 18.00 гача 0-67 телефон орқали хабар қилишингиз мумкин.

Тошкент шаҳар почта алоқасининг ишлаб чиқариш-техника бошқармаси.

ТОШКЕНТ «СЕРВИС» ФИРМАСИ

Сизнинг фарзандларингизни Янги йил билан муборакбод этишни

ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛАДИ

Янги йил совға-саломларини тақдим этиш учун Қорбобо ва Қорқизни таклиф этиш мураккаб эмас: «Сервис» марказий уйига соат 10.00 дан 16.00 гача мурожаат этишнинг ўзи кифоя.

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30«а»-уй.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

28 ДЕКАБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевиденениенинг «Восток» программаси

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қиш эртаги». Мультфильм. 19.40 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.30 «Буюк халқ ҳақиқати». «Ҳамма яхши нарсалар сенда мужассам». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Давлат телерадиосининг буюртмасига биноан Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ва ҳужжатли фильмлар студиясида суратга олинган). 21.30 «Время». 22.05 «Театр учрашувлари». 23.50 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Салом, Ральф!». 18.30 «Кичик сеҳргарлар». Болалар цирк коллективларининг чиқиши. 19.10 «Чет эллик меҳмонлар Ўзбекистон ҳақида». (рус.). 19.30 «Ахборот». (рус.). 19.45 «Халқ контроли экрани». 20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори». Меҳнаткашларнинг янги йил дастурхонига. 20.30 «Ахборот». 20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». Кўрсатувда Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари А. Каримов иштирок этади. 21.30 Москва. «Время». 22.05 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Деҳқонларимиз жасоратини шарафлаймиз». (Сурхондарё область қишлоқ хўжалиги илғорларига бағишланган кўрсатувнинг давоми). 23.15 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Физика. 19.10 «Қизиқувчилар экрани». 19.40 Реклама. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Инглиз тили. 20.50 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Совет Иттифоқининг шаҳарлари». Кинопрограмма. 21.30 МТ II.

29 ДЕКАБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевиденениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Цирк маликаси». И. Кальманнинг шу номли оперетгаси асосида телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 12.05 «Совет Иттифоқи бўйлаб». Киножурнал. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.00 «Рус тили» 16.30 «Жаҳон халқларининг ижоди». Руминия санъати. 17.00 «Ога-иниларга ога-ини». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 17.30 «Горнчилар қаердасиз?». 18.15 «Фан оламида». Йил якунлари.

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Хоккей бўйича ҳалқаро учрашув. «Эдмонтон Ойлерз» —СССР терма командаси. Канададан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторина. Финал. 23.10 «Дунё воқеалари». 23.25 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевизион викторинанинг давоми.

Марказий телевиденениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Сенинг севимли шогирдларинг». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Музика. 7-синф. М. И. Глинка. «Вальс-фантазия». 10.05 ва 12.10 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 «Ота-оналар. Сизлар учун». 11.40 Умумий биология. 9-синф. Органик дунё системаси эволюциянинг ифодаси сифатида. 12.40 География. Узоқ Шарқнинг табиий комплекслари. 13.10 «Бир актёр театри». В. Яхонтов. 14.10 СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Бузилмас Иттифоқ». 15.10 «Ленин билан маслаҳатлашиб». Илмий-оммабоп фильм. 15.30 «Вил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви. 16.15 Янгиликлар. 18.30 Янгиликлар. 18.50 Спорт ҳафталиги. 19.20 Томск ёғоч ўймакорлиги ёдгорликлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. 19.40 «Русская зима» санъат фестивали. СССР Давлат академик симфоник оркестрининг концерти. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Француз импрессионист-рассомларининг ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 Чанги спорти бўйича Бутуниттифоқ мусобақалар. 22.50 Ешлар командалари ўртасида хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ГФР — СССР терма командалар. 3-давр. Ленинграддан олиб кўрсатилади. 23.25 Фильм-концерт.

Ўзбекистон телевиденниесининг программалари

I

19.00 «Тошкент янги йил арафасида». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Пахта даласидаги жасорат». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзкинохроника»). 20.00 «Дунё воқеалари». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дирижёр ҳикоя қилади». Кўрсатувни Ўзбекистон ССР халқ артисти З. Ҳақназаров олиб боради. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Россия сен билан». Видеофильм премьераси. 23.10 Ўзбекистон санъат усталарининг концерти. 00.10 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 19.10 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 19.40 «Қор». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Адабиёт. Комил Яшин ижодида Шарқ хотин-қизлари образи. 20.50 «Китоб дўстлари». 21.20 «Таймирдаги балиқ ови». Телефильм. 21.30 МТ II.

ЦУМ—ЯНГИ ЙИЛ ХИЗМАТИДА

ЯНГИ ЙИЛГА АТАБ ҚАЕРДА ВА ҚАНДАЙ СОВҒАЛАРНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

АЛБАТТА, МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДАН! МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИ ҚУЛАЙ ЖОЙЛАШГАНЛИГИ, УНДАГИ МОЛЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГЛИГИ БИЛАН ҲАМИША ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИНИ ЖАЛБ ЭТАЯПТИ.

«СОВҒАЛАР» секциясидаги молларни кўриб кўз ўйнайди. Бу ердаги шамдонлар, сопол лаганлар, пиёлалар, кўзалар, ёғочдан-пластмассадан, ёғочдан-металлдан ўйиб ишланган нафис буюмлар амалий санъат усталарининг маҳоратини намойиш қилади. Бу буюмлар замонавий квартиранинг жавонларини безаб туради. Ичига митти лампочка қўйиб ёқиладиган шамдонлар янги йил байрами тантаналарига ўзига хос файз бахш этади.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИНИНГ БАРЧА ҚАВАТЛАРИДА ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА МОЛЛАРИ СЕКЦИЯЛАРИ БЎЛИБ, УЛАРГА «ТАНИШ СИЙМО», «БАХТ ТИЛАЙМАН», «ХОНИМ», «БАЛИҚЧИ ВА БАЛИҚ ҲАҚИДА ЭРТАК» ДЕБ НОМЛАНГАН АТИРЛАРНИНГ ТАЛАЙ ТУРКУМИ ҚЎЙИЛГАН.

Биллурдан ишланган нозик буюмлар ҳам киши ҳавасини келтиради. Гуллар қўйиш учун аталган вазалар, конфетдонлар, стаканлар, фужерлар байрам дастурхонини янада кўркам қилади.

МУЗИКА ИШҚИБОЗЛАРИГА ҲАМ МУНОСИБ СОВҒАЛАР ҲОЗИРЛАНГАН. ЭСТРАДА, СИМФОНИК, КАМЕР МУЗИКАСИ АСАРЛАРИ ЁЗИЛГАН ГРАМПЛАСТИНКАЛАР СИЗГА МАНЗУР БЎЛАДИ.

МАРКАЗИЙ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ЦУМ.

ЯНГИ ЙИЛ ЭШИК ҚОҚАЯПТИ

Янги йил—қувноқ байрамлар, карнаваллар, завқли кайфият палласи яқинлашиб келмоқда.

Янги йил тантаналари кишига завқ бахш этиши учун барвақтроқ тайёргарлик кўриб қўйиш керак: арча сотиб олиш, уни безатиш, муносиб совғаларни танлаш лозим.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИДА

ЯНГИ ЙИЛ ОЛДИ САВДОСИ

КЕНГ АВЖ ОЛИБ КЕТДИ

Оиланинг барча аъзолари телевизор экрани атрофида жамулжам бўлишганида бу ҳар кунги, ҳар оқшомги ўзига хос байрамдир, янги йил кечасида эса бутунлай гўзал бир манзара намоён бўлади. Сиз турли модификациядаги «Янтарь», «Славутич», «Чайка», «Радуга», «Фотон», «Берёзка», «Горизонт —728», «Горизонт —736» рангли телевизорлари экранида байрамнинг барча жозибасини кўришга муяссар бўласиз.

Фрунзе савдо маркази ва унинг «Фарҳод» ярмаркасидаги филиалида юқорида номлари қайд этилган рангли тасвирли телевизорлар билан бирга оқ-қора тасвирли «Изумруд», «Рассвет», «Юность—603-Р» телевизорларини ҳам тавсия этишади.

Хотин-қизларга жун рўмоллар, турли модель ва рангдаги пўстинларни тавсия этамиз. Бу пўстинлар тўғри бичиқли, қоматга ёпишиб турувчи моделда тайёрланган. Размерлари 46 дан 52 гача; бундан ташқари «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган табиий ва сунъий мўйнали қишлик пальтолар ҳам бор. Уларнинг ранги ҳар хил, тўғри бичиқли, размерлари 46 дан 52 гача.

Эркакларга (кулранг, қора, майда йўл-йўлли, мошранг, размерлари 46 дан 56 гача бўлган) костюмларни тавсия этамиз.

ФРУНЗЕ САВДО МАРКАЗИ.

ҚИШ ФАНТАЗИЯСИ

Янги йилни арчасиз тасаввур этиш қийин. Каттами, кичикми, Янги йил оқшомида албатта арча бўлиши керак. Арчанинг новдаси ҳам байрам кайфияти бахш этади. Уни шарлар, турли-туман безаклар билан ясатиш мумкин. Одатда арчани энг кўринарли ерга, новдасини эса байрам дастурхонининг ўртасига қўйилган гулдонга солиб қўйишади. Сунъий арчалар ҳам чиройли бўлади. Хоҳласангиз кўлбола арча ясашингиз мумкин. Бунинг учун арча шаклини рангли ёки ялтироқ қоғоздан қирқиб олиб, катта картон қоғозга ёпиштирасиз. Унинг ёнига турли шаклдаги новдаларни, ранг-баранг япроқларни қўшасиз, бундай арчани девор ёки эшикка илиб қўйиш, хаёлингизга келганича ясатишингиз мумкин.

Тилла суви юритилган шиша шарлар, манзарали шамлар билан безатилган арча новдалари ниҳоятда чиройли кўринади.

Яшил новдаларни, дарахт шоҳлари ва буталарни кўкатлар, япроқлар, Янги йил арча безаклари, ранг-баранг шарлар, ялтироқ ўйинчоқлар билан ясатсангиз, у байрам кайфиятини вужудга келтиради.

«ТАШКУЛЬТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН

юпқа шишадан (фонарлар, шарлар, қор учқунлари), **шишадан** (шарлар, сумалаклар, фонарлар, қўнғироқчалар), **пенопластдан ясалган турли-туман арча ўйинчоқлари ва безакларини, қоғоздан ясалган байроқчаларни, пластмасса арчаларни, турли ниқобларни**

ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Магазинларнинг адресини маълум қиламиз:

4 — Куйбишев шоссеси, 850-уй.

1 — Муқимий кўчаси, 1-уй.

95 — У Юсупов кўчаси.

«ТАШКУЛЬТТОРГ».

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар —32-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 32-90-50.

28 ДЕКАБРЬ, 1982 й. Р—07577. Газета Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. В—2524 Индекс 64690.